
ЗОКИРЖОН РАҲМОНОВ ВИЛОЯТ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИНИНГ КЕКСАЛАР ВА ФАХРИЙЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ

Данғара тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг кексалар ва фахрийларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича ўринбосари бўлиб ишлаб келган Зокиржон Раҳмонов вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг Кексалар ва фахрийларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

Бугун Фарғона шаҳридаги “Файз” тантаналар мажмуасида Кексалар ҳафталиги доирасида бўлиб ўтган байрам тадбирида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бу ҳақда эълон қилди.

Зокиржон Раҳмонов 1957 йилда Данғара туманида туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини иқтисодчи мутахассислиги билан тамомлаган. 1990 йилдан 2018 йилга қадар бўлган узоқ йиллик самарали меҳнат фаолияти давомида вилоятнинг Данғара тумани ижроия қўмитаси раиси ўринбосари ҳамда туман ҳокимининг ўринбосари, Фурқат, Учкўприк ва Қува туманлари ҳокими, вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаган. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул лавозимларда фаолият олиб борган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#),
2021-10-12 21:01:53